

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ДОСЧАНОВ ЖАЛОЛБЕК САПАРБОЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИМОЛИЙ ҲУДУДЛАРИГА МОСЛАШГАН  
ТРИТИКАЛЕ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**03.00.07-Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the abstract of doctoral philosophy (PhD) dissertation**

**Досчанов Жалолбек Сапарбоевич**

Ўзбекистоннинг шимолий худудларига мослашган тритикале навларини танлаш ва уларнинг физиологик хусусиятларини ўрганиш..... 3

**Досчанов Жалолбек Сапарбоевич**

Отбор сортов тритикале адаптированных к условиям северных регионов Узбекистана и изучение их физиологических особенностей..... 21

**Doschanov Jalolbek Saparboevich**

Selection of triticales varieties adapted to the conditions of the northern regions of Uzbekistan and study of their physiological characteristics..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ДОСЧАНОВ ЖАЛОЛБЕК САПАРБОЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИМОЛИЙ ҲУДУДЛАРИГА МОСЛАШГАН  
ТРИТИКАЛЕ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**03.00.07 - Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/B169 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Хоразм Маъмун академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримжон Сафаров**  
биология фанлари доктори, профессор

**Кушанов Фахриддин Нетьматуллаевич**  
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз а/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (99871) 264-23-90, факс: (99871) 264-22-30, e-mail: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz), [genetics@uzsci.net](mailto:genetics@uzsci.net), [gen@inst.gov.uz](mailto:gen@inst.gov.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз а/б, Генетика ва экспериментал биология институти. Тел.: (99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Дж.Қурбанбаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

**Б.Х.Аманов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

**С.М.Набиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тритикале донини етиштириш йилига 20 млн тоннадан ошди ва унинг ярми Германия ва Польша давлатларига тўғри келади, яна бир йирик ишлаб чиқарувчи бу Франция. Катта технологик саъй-ҳаракатларга қарамай, тритикале унидан озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашда кенг фойдаланилмайди ва тритикаленинг кўп қисми чорва озуқаларига ем сифатида ишлатилади<sup>1</sup>. Тритикале инсон томонидан яратилган биринчи синтетик донли экин бўлиб, у буғдой ва жавдарни дурагайлаш асосида олинган. Аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда чорвачилик ва парандачиликда ем учун ишлатиладиган буғдой ўрнига тритикаледан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда аҳолини озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашда таркибида оқсил миқдори кўп ва озуқа сифати яхши бўлган донли экинлар, жумладан селекционер олимлар томонидан сунъий равишда яратилган тритикале ўсимлигининг турли тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш, стресс омилларга чидамлилигини оширишни физиологик асослаш, қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган навларини ажратиш олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу эса дон ҳосилдорлиги ва биомассасининг юқорилиги, унинг таркибидаги оқсил миқдори буғдой ва жавдар дони таркибидаги оқсилга нисбатан кўпроқ бўлган тритикале ўсимлигидан фойдаланиш устивор йўналишлардан бўлиб, унинг мосланувчанлик хусусиятларини физиологик асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида озуқа ем экини сифатида тритикаленинг юқори ҳосилли ва озуқа бирлиги юқори бўлган навларини танлаш ҳамда турли тупроқ иқлим шароитларида етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> «... қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш» мақсадида касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда республиканинг шимолий ҳудудларида ва шўрланган тупроқ шароитларига мос келадиган донли экинларни танлаш ҳамда уларнинг мосланувчанликдаги физиологик асосларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш

<sup>1</sup> Reference Module in Food Science, 2016. <https://doi.org/10.1016/B978-0-08-100596-5.00019-6>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

чоралари тўғрисида», 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сон «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тритикаленинг етиштириш агротехнологияси, селекция ва уруғчилик соҳасида хорижий ва МДХ давлатларининг бир гуруҳ олимлари М.Бартник (1991), St.Dobrevа (2016), М.Думбрава (2016), S.Bielsky (2019), М.Мергоум (2004), Zillinsky F.J. (1985) томонидан изланишлар олиб борилган. МДХ мамлакатларида В.В.Ворончихин (2019), Н.П.Шишлова (2018), Т.А.Горянина (2017), С.А.Горчин (2012), Х.М.Назранов (2011), С.В.Гончаров (1999), А.И.Грабовец (2000) тритикале навларининг қишга чидамлилиги, нонбоблик кўрсаткичлари, селекцион материалларнинг филогенетик жиҳатдан барқарорлигини ошириш, уларни турли абиотик омилларга чидамлилиги ўрганилиб, турли стресс омилларга бардошли, ҳосилдорлиги юқори популяциялари ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Мамлакатимизда суғориладиган майдонларда кузги тритикалени ем-хашак экини сифатида етиштириш, экиш муддати, экиш ва ўғитлаш меъёрлари бўйича И.В.Массино (1989) ҳамда лалми майдонларда экиш ва барқарор ҳосил олиш учун эртапишар селекцион материаллар яратиш юзасидан М.Хайитбоев (2019), К.Т.Исоков ва бошқалар (2020) томонидан мазкур экин катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда.

Бироқ сўнгги йилларда селекционер олимлар томонидан яратилган тритикале навлари республикамизнинг шўрланган тупроқ-иқлим шаротида ўсиб ривожланиши, ўсимликда кечадиган физиологик жараёнлар, олинган доннинг кимёвий таркибини таҳлил қилиш ва уларнинг нонбоблик хусусиятларини қимматли хўжалик белгилари билан боғлаган ҳолда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Хоразм Маъмун академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №ФА-А9-Т100 рақамли «Рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳаллий кузги буғдой навларини синаш» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳа ҳамда Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот режасининг №ФА-А-ҚХ-2018-223 «Донли озуқа экинлари (жавдар, тритикале) ва дуккакли дон экинлари (мош,

ловия, нўхат ва бошқа) нинг маҳаллий ва жаҳон коллекцияси намуналаридан республика иқлим шароитига мос, турли стресс омилларга чидамли бўлган истиқболли навларини танлаш ва етиштириш агро- ва биотехнологиясини такомиллаштириш» (2018-2020) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ шароитига мос тритикале навларини танлашда мосланувчанликнинг физиологик ва биокимёвий асослаш ва шу ҳудудга мос қимматли юқори маҳсулдор навларни ажратиб олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон ва жаҳон коллекциясидан олинган тритикале нав намуналарини лаборатория шароитида тузга чидамлилигини аниқлаш;

ўсимликларнинг тузга чидамлилигини дала шароитида физиологик асосларини аниқлаш, танлаб олинган намуналарни экиш, фенологик кузатувлар олиб бориш;

намуналарнинг ҳосилдорлик (дон) ва маҳсулдорлик (биомасса) белгиларини таҳлил қилиш;

навларнинг нонбоплик ва озукавий сифатлари, лизин миқдорини аниқлаш ва дондаги аминокислота таркибини таҳлил қилиш;

Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароити учун мос, юқори сифатли ва ҳосилдор навларни амалиётга тадбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Ўсимликшунослик институти коллекция материалларидан олинган тритикале намуналари, Дон ва дуккакли экинлар ИТИ ва унинг Ғаллаорол филиали селекционер олимларининг намуналари ва коллекцияси материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тритикале ва кузги буғдойнинг ҳосил ва сифат кўрсаткичлари, барг сатҳи ва биомасса тўплаши ҳамда дон ҳосили ва сифат кўрсаткичларининг таҳлили ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ўсимликлар физиологияси ва биокимёсининг классик усуллари, фенологик кузатувлар, физиолоик жараёнлар (барг сатҳи, шўрга чидамлилиги), аминокислоталар таҳлили ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ ва иқлим шароитида тритикаленинг биомассаси тўплаш динамикаси, барг сатҳи индекси, поя ва охирги бўғин узунлиги, ўсимталарнинг лаборатория шароитида шўрга чидамлилиги аниқланган ва шулар асосида ушбу ҳудудга мос навлар ажратиб олинган;

тритикаленинг шўрланган тупроқ-иқлим шароитига мосланувчанлик механизми физиологик таҳлиллар ёрдамида асосланган ва дони таркибидаги лизин миқдorigа навлар ҳамда етиштириш технологиясининг таъсири аниқланган;

тритикале навлари дони таркибидаги аминокислоталар таркиби таҳлил қилинган ва турли навларда алмашадиган ва алмашилмайдиган аминокислоталар нисбати турлича эканлиги аниқланган;

навларни турли тупроқ шароитларида биометрик кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали Хоразм худудига мос келадиган ва ишлаб чиқариш талабларига тўлиқ жавоб берадиган навлар ажратиб олинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилоятининг ўртача шўрланган тупроқлари шароитида тритикаленинг Сардор, Сват, Сергей, Тихон, Тўйимли, ГулДУ, Одиссей, Праг серебристый, Дўстлик, Фарход, Валентин каби навларининг ўсиб ривожланиши ўрганилган. Навлар устида фенологик кузатувлар олиб борилганда Сардор, Сват, Сергей ва Тихон навлари биометрик кўрсаткичлари бўлиши аниқланган;

Ўрганилган навларнинг умумий оқсил миқдори, хўл ва куруқ клейковина сифати, аминокислота таркиби, нонбоблик хусусиятлари қиёсий таққосланган ҳамда улар асосида юқори ҳосилдорликка эга, оқсилга бой Сват, Сергей, Тихон ва Сардор шўрланган тупроқ шароитига тез мослаша олиши ва юқори ҳосил бериши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўтказилган кўп йиллик дала тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва апробация комиссиялари томонидан юқори баҳоланганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили, илмий тадқиқот натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамаси, етакчи маҳаллий илмий журналларда ва импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда чоп этилгани, Хоразм вилояти тупроқ иқлим шароитларига мос тритикале навларининг танланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикамизнинг шимолий худудларига мослашган тритикале навларининг физиологик ҳамда биокимёвий хусусиятларини, тритикале нав намуналарининг шўрга чидамлилигини ва тупроқдаги сув танқислигига мослашувининг морфофизиологик хусусиятлари, дон таркибидаги умумий оқсил миқдори, аминокислоталар таркиби, тритикале навларининг ушбу белгилар бўйича генотипик фарқланиш хусусиятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тритикале уни буғдой уни билан қўшиб нон тайёрлаш имкониятлари кўрсатиб берилганлиги, Хоразм вилояти шароитидаги шўрланган тупроқ шароитига мослашган тритикале навларини танланганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ шароитига мос тритикале навларини танлашда мосланувчанликнинг физиологик ва биокимёвий асосларини таҳлил қилиш ва шу худудга мос қимматли юқори маҳсулдор навларни танлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тритикаленинг 11 та навлари Хоразм вилояти Янгибозор тумани “Дилдора Божмон” фермер хўжалигида 48 гектар гектар ер майдонига ишлаб

чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 28 августдаги 2020 йил 02/021-2730-сон маълумотномаси). Натижада, “Сват” навидан 92 ц/га, “Тихон” навидан 88,4 ц/га, “Сергей” навидан 85,8 ц/га, “Сардор” навидан 75,4 ц/га дон ҳосили олишга эришилган.

тритикаленинг Сардор, Сват, Сергей ва Тихон навлари Хоразм вилояти Урганч тумани худудида жойлашган Машъал фермер хўжалигининг 27 гектар майдонида амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 21 октябрдаги 4/1255-2241-сон маълумотномаси). Натижада, юқори ва сифатли дон ҳосили олишга, чорва моллари учун ем-хашак сифатида ишлатиладиган ер устки биомассани оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифлаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар очиб берилган.

**«Тритикале навларнинг морфологик, физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлари ҳамда қимматли хўжалик белгилари»** деб номланган диссертациянинг биринчи бобида тритикале (*Triticosecale*) – буғдой ва жавдар чатиштирилиши йўли билан олинган янги дон экини эканлиги, жавдарнинг қимматли-хўжалик белгиларини буғдойга ўтказиш устида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлили, тритикаленинг морфофизиологик хусусиятлари ва ривожланиш динамикаси, халқ хўжалигидаги аҳамияти, унинг биометрик кўрсаткичлари, донининг сифат кўрсаткичларини аниқлашга бағишланган тадқиқотлар келтирилган;


**«Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари»** деб номланган диссертациянинг иккинчи боби диссертация ишини бажаришда фойдаланилган усулларга бағишланган.

Бу ерда тритикале навларининг батафсил тавсифи ва бажарилган тадбирлар, тажриба ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароити ва тупроқнинг агрохимёвий таркиби, ишлатилган реагентлар, тадқиқот усуллари, шу жумладан барг параметрларини ўлчаш усуллари, дон таркибидаги клейковина миқдори ва сифати, умумий оксил миқдори, оксилдаги аминокислоталар таркиби, дон шаффофлигини аниқлаш усуллари келтирилган.

**«Навларнинг ўсиши, ривожланиши ер устки биомасса тўплаши ва барг сатҳи индекс кўрсаткичлари»** мавзусидаги диссертациянинг учинчи бобида тритикале навларининг униб чиқиши, туплаши ва маҳсулдор поялар сони таҳлили келтирилган.

Маҳсулдорлик элементи майдон бўйича ўсимликлар сони билан аниқланган. Тажрибада 1 м<sup>2</sup> юзага 130 та уруғ экилган ва шундан униб чиққанлари экилгандан 14 кун ўтиб ҳисобланган. Тажрибанинг уч йилида ҳам энг юқори унувчанлик Валентин, Фарход, камроқ Дўстлик, Праг серебристий, ГулДУ, Тихон ва Сардор навларида кузатилган.

Кузги буғдойнинг Краснодар 99 нави ва тритикале навларининг туплаши таҳлил қилинганда бир ўсимликдан 2-8 тагача туп ҳосил бўлиши кузатилди. Сардор, Дўстлик ва Фарход навлари бошқа навларга нисбатан кам Ғалладошларнинг асосий биометрик кўрсаткичларидан умумий ва маҳсулдор поялар сони ҳисобланди. 1 жадвалда маҳсулдор поялар сони келтирилган. Кузги буғдойнинг Краснодар 99 нави ва тритикаленинг Валентин навларида энг юқори, Дўстлик, Фарход, ГулДУ ва Сардор навларида энг кам кўрсаткич аниқланди. Уч йиллик ўртача кўрсаткичлар бўйича энг кам маҳсулдор поялар сони Фарход навида кузатилган бўлса (271,47±17,73), тритикале навлари ичида юқори кўрсаткич Валентин навида (409,55±17,18) кузатилган.



**1-расм. Тритикале навларининг уч йиллик ўртача туплаши**

## Тритикале нав намуналарида ҳосилдор поялар сони

Т/р	Нав номи	2018 М±m	2019 М±m	2020 М±m	Ўртача М±m
1	Краснодар-99	517,3±15,84	516,46±16,48	513,33±12,81	515,7±15,04
2	Сардор	300,57±12,82	239±6,14	357,33±17,1	298,97±12,02
3	Сват	384,98±15,61	361,17±9,86	404±18,97	383,38±14,81
4	Сергей	357,4±17,89	379,33±19,83	330,67±13,55	355,8±17,09
5	Тихон	381,65±14,16	419,17±11,15	339,33±14,78	380,05±13,36
6	Тўйимли	359,4±18,07	410,67±16,48	303,33±17,26	357,8±17,27
7	ГулДУ	287,48±13,84	309,5 ±11,78	260,67±13,5	285,88±13,04
8	Одиссей	304,9 ±18,43	308,33±15,6	296,67±18,87	303,3 ±17,63
9	Праг серебристий	343,9 ±17,12	395,67±19,48	287,33±12,37	342,3±16,32
10	Дўстлик	271,4 ±17,81	266±17,85	272±15,37	269,8 ±17,01
11	Фарход	273,07±18,53	262,67±19,43	278,67±15,23	271,47±17,73
12	Валентин	411,15±17,98	429,5±14,93	388±18,62	409,55±17,18

Барг сатҳи индекси (БСИ) – ёруғлик тушган барглار сатҳининг маълум ер юзаси нисбатига тенг бўлиб, ўсимлик биомассасининг фотосинтез қилишини ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Тажрибанинг дастлабки йилида навларда ўсув давлари бўйлаб БСИ ўзгариши турлича бўлди: туплаш даврида 0,46-1,55 гача ва найчалаш даврида 1,15-2,14 гача, бошоқлаш даври бошланишида 3,83-5,76 гача, гуллаш даврида 3,72- 8,10 гача, пишиш даврида 0,46-1,55 гача ўзгарганлиги қайд қилинган (2-жадвал).

Кузги буғдойнинг Краснодар-99 навида энг юқори БСИ май ойи бошларида 6,71 ни ташкил қилган. Тритикаленинг Сардор ва Одиссей навларида энг юқори БСИ апрел ойи охирларида 4,65 ва 4,08 ни ташкил қилди. Сват, Сергей, Тихон, Тўйимли, ГулДУ навларида энг юқори БСИ май ойи ўрталарида тегишли тарзда 6,1; 6,39; 5,00; 6,63; 8,1 бошоқлаш ва гуллаш даврида кузатилган.

Барг сатҳи индексининг вегетация давомида ўзгариши кузатилган барча навларда байроқ баргнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлиб, бошоқлаш, гуллаш фазаларида энг юқори кўрсаткичга эга бўлган, бу фазаларда барг сатҳининг юқори бўлиши фотосинтез маҳсулотларини ҳам юқори бўлишини ва бу ўз навбатида бошоқларда доннинг тўлишига ижобий таъсир этади. 2019 йилда об-ҳавонинг қулай келиши бу фазага келиб тритикаленинг Тўйимли ва ГулДУ навларида энг юқори кўрсаткич мос равишда 11,37±1,91 ва 12,61±1,46 га тенг бўлишига сабаб бўлган. 2020 йилда эса бу кўрсаткич 6,9±1,29 ва

9,0±0,39 га тенг бўлишига қарамай бошқа навларга нисбатан устунлигини сақлаб қолган. Барг сатҳининг ушбу кўрсаткичлари май ойининг охиригача деярли ўзгармай сақланиб қолганлиги кузатилган.

## 2-жадвал

### Барг сатҳи индексининг вегетация давомида ўзгариши (2019-2020 йил)

Навлар номи	Намуна олинган саналар				
	3/24/2019	4/9/2019	4/23/2019	5/7/2019	5/25/2019
Краснодар 99	0,48±0,09	1,24±0,46	4,35±1,01	6,99±0,92	4,16±1,3
Сардор	1,48±0,15	2,08±0,52	4,95±0,50	3,87±1,68	4,02±1,81
Сват	0,76±0,05	1,42±0,27	4,4±0,55	6,36±1,95	6,85±2,1
Сергей	0,81±0,11	1,34±0,35	4,08±0,87	6,66±2,98	6,03±1,55
Тихон	0,98±0,05	1,77±0,11	4,52±0,92	5,21±2,08	5,28±1,13
Тўйимли	1,11±0,14	1,86±0,58	4,68±0,71	6,9±1,29	5,43±0,73
ГулДУ	1,28±0,02	1,64±0,08	6,13±1,27	9,0±0,39	8,28±0,85
Одиссей	1,2±0,19	2,3±0,32	4,34±0,74	3,93±1	2,55±0,91
Праг серебристый	1,24±0,12	1,78±0,7	5,21±1,14	7,42±2,46	3,98±0,62
Дўстлик	1,55±0,2	2,57±0,46	4,24±0,6	4,9±1,61	4,1±1,54
Фарход	1,63±0,19	1,88±0,35	3,83±0,67	4,35±0,92	3,91±0,95
Валентин	0,64±0,05	1,35±0,22	3,96±1,36	7,37±1,08	6,8±1,63

Тритикале навларининг тупроқ шўрланишига чидамлилигини баҳолаш мақсадида лаборатория шароитида NaCl тузининг турли хил концентрацияларида уруғларнинг унувчанлиги ва ривожланиши ўзаро фарқланишлари таҳлил қилинган. NaCl тузининг 0,5% концентрациясида ўсимликларнинг унувчанлиги назорат вариантыдан деярли фарқ қилмади. NaCl тузининг концентрацияси 1,0-1,5% га етказилганда ўсимликларнинг унувчанлиги пасайиши қайд этилган. Дисперсион анализнинг Фишер тести ёрдамида таҳлил қилинган натижалари шуни кўрсатдики, танлаб олинган навларда назорат ва тузининг ҳар хил эритмалари орасида аҳамиятли фарқланишлар кузатилган. NaCl тузининг 1,0% ли эритмасида Одиссей, Дўстлик, Валентин навлари бошқа навларга нисбатан чидамсиз эканлиги кузатилган бўлса, Сардор, ГулДУ ва Фарход навлари эса нисбатан чидамлилики намоён этган. 1,5% ли NaCl эритмасида ҳам Сардор, Праг серебристый ва Фарход навлари бошқа навларга нисбатан анча чидамли эканлиги аниқланган.

**«Тритикале навларининг қимматли хўжалик белгилари ва дон сифат кўрсаткичлари»** мавзусидаги диссертациянинг тўртинчи бобида тритикале

навларининг ҳосил структураси (поя узунлиги, охириги бўғин узунлиги, битта бошоқ узунлиги ва оғирлиги, битта бошоқдаги дон сони, 1000 та дон оғирлиги, маҳсулдор поялар сони, дон ва сомон ҳосили) ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Поя узунлиги белгиси бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тўйимли ва Праг серебристий навларида мос равишда  $144,25 \pm 7,16$  ва  $141,52 \pm 8,15$  бўлса, қолган навларда ўртача  $88,5$  смни ташкил этди. Охириги бўғин оралиғи белгиси бўйича ҳам шу навларда катта кўрсаткич қайд этилган бўлса, Сват, Сергей ва Тихон навларида бу кўрсаткич буғдойдан ҳам кам эканлиги аниқланган.

Тритикале навларининг барчасида бошоқ узунлиги буғдойникидан узун бўлиб,  $10,12 \pm 0,76$  см дан ГулДУ навида  $13,02 \pm 0,13$  см гача бўлган. Бошоқ вазни ва бир бошоқдаги дон сони кўрсаткичлари ўсимлик бўйи билан тескари боғланишга эга эканлиги кузатилган. Бунда поя узунлиги энг узун бўлган Тўйимли ва Праг серебристий навларида бошоқ вазни ҳам ундаги дон сони ҳам бошқа навлардан кам бўлган. Бу кўрсаткичлар бўйича энг юқори кўрсаткич Дўстлик навида кузатилиб, унда бошоқ вазни  $4,7 \pm 0,31$  г ва ундаги дон сони  $63,4 \pm 4,98$  донга бўлган. Буғдойда эса бу кўрсаткич  $2,47 \pm 0,3$  г ва  $40,05 \pm 4,89$  донани ташкил этган.

Тритикаленинг барча навларида бошоқ вазни ҳам ундаги дон сони ҳам буғдойникидан кўп эканлиги қайд қилинган. 1000 донга дон вазни белгиси бўйича Тўйимли, ГулДУ, Праг серебристий ва Валентин навларининг дони майдароқ бўлиб, 40 граммдан камроқ, қолган навларни дони эса буғдойники билан деярли бир хил бўлган.

Асосий кўрсаткич бу дон ҳосилдорлиги бўйича уч йиллик ўртача кўрсаткич бўлиб, бу кўрсаткич бўйича энг ҳосилдор нав сифатида Сват навида гектарига  $83,7 \pm 4,8$  центнерни, Сергей нави  $74,8 \pm 8,4$  ц/гани, интенсив типдаги бугунги кундаги республика бўйича энг ҳосилдор буғдойнинг Краснодар 99 навида уч йиллик ўртача дон ҳосилдорлиги  $70,7 \pm 9,6$  ц/гани ташкил этди. Барча ҳосилдорлик кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак буғдойнинг юқори ҳосиллиги асосан маҳсулдор поялар ҳисобига бўлганлигини, тритикаледа эса маҳсулдор поялар сони кам бўлишига қарамай бошоқдаги дон сони ва доннинг йириклиги ҳисобига юқори ҳосил берганлиги аниқланган.

Тритикале ўсимлиги дунёнинг кўп давлатларида асосан чорвага ем учун етиштирилиб, унинг сомони ҳам тўйимли ем маҳсулотлари қаторига киради. Ўрганилган навларнинг гектар ҳисобидан олинган қуруқ сомони буғдойникидан анча кўп бўлиб, навлар орасида Праг серебристий нави гектаридан  $14,5$  тонна сомон олинган. Тўйимли ва ГулДУ навлари сомон чиқими юқори, лекин бу учала навнинг дон ҳосилдорлиги бошқа навларга нисбатан паст. Сват ва Валентин навларини дон ҳосили бўйича ҳам сомони бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган нав сифатида ажратиб олинган (3-жадвал).

Тритикале навларининг дон таркибидаги клейковина миқдори ҳўл ва қуруқ ҳолда ҳамда унинг сифат кўрсаткичи (ИДК - индекс деформации клейковина) бўйича синфлари аниқланган. Таҳлил натижаларига кўра

**Ўрганилган тритикале навларининг Хоразм худуди шароитида морфологик ва хосилдорлик кўрсаткичлари (уч йиллик ўрғача маълумот)**

Т/р	Нав номи	Поя	Охириги	Бошоқ	Бошоқ	Бошоқ	Бир	1000 та	Ўрғача	Сомон
		узунлиги	бўгин	узунлиги	узунлиги	оғирлиги	бошоқдаги	дон вазни	хосил-дорлик	
		M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	т/га
1	Краснодар-99	71,02 ±5,24	33,43±0,86	8,24±0,54	2,47±0,3	40,05±4,89	45,2±2,15	70,7 ±9,6	7,1	
2	Сардор	94,81±8,13	45,39±2,31	11,34±0,7	4,56±0,31	62,55±4,76	44,79±2,32	69,6±8,2	8,7	
3	Сваг	79,7±3,04	27,74±1,93	12,11±0,56	4,60±0,32	61,87±3,28	45,69±1,39	83,7 ±4,8	11,5	
4	Сергей	81,75±6,08	28,76±1,35	10,71±1,54	4,11±0,48	56,45±3,89	45,69±1,93	74,8±8,4	9,6	
5	Тихон	76,75±2,98	30,79±1,22	10,12±0,76	3,61±0,32	50,43±4,86	47,81±2,74	72,2±8,7	9,1	
6	Тўйимли	144,25±7,16	48,6±2,25	11,81±0,95	3,25±0,30	49,20±4,50	39,73±2,72	62,7±4,6	13,6	
7	ГулДУ	90,98±6,47	33,7±2,14	13,02±0,13	4,30±0,17	61,58±4,45	37,13±2,11	52,7±7,4	12,2	
8	Одиссей	90,09±7,03	43,17±2,02	11,46±0,52	4,28±0,24	59,49±3,9	44,46±3,04	63,8±8,3	8,7	
9	Праг серебристый	141,52±8,15	46,76±2,82	11,77±1,31	3,68±0,88	47,89±5,27	40,75±2,99	53,2±8,3	14,5	
10	Дўстлик	91,19±5,10	43,1±3,01	11,89±0,55	4,7±0,31	63,4±4,98	48,58±3,02	57,8±8,5	7,8	
11	Фарход	92,55±7,08	42,65±2,73	11,2±0,87	4,5±0,35	62,10±4,12	46,59±2,66	62,6±8,7	8,3	
12	Валентин	99,09±8,92	37,49±2,12	11,58±0,70	3,44±0,29	55,57±3,36	39,01±2,76	72,8±9,1	11,8	

буғдойнинг Краснодар-99 навида хўл клейковина миқдори 28,1% ни кўрсатган, тритикале навларида асосан 10,9 дан 21,9 фоизгача ўртача 16,4 % ни ташкил этди. Курук клейковина ҳам буғдойга нисбатан паст бўлиб, ўртача 6,2%, юқори кўрсаткич Фарход навида 9,6% ва энг паст кўрсаткич Валентин навида курук клейковина миқдори 4,4% ни ташкил этган. Тритикале навларида хўл ва курук клейковина миқдори кам бўлишига қарамай унинг асосий сифат кўрсаткичларидан бўлган ИДК кўрсаткичи бўйича Сергей, Тўйимли, Праг Серебристый ва Валентин навлари 1-гуруҳга, қолган тритикале навлари ва юмшоқ буғдойнинг Краснодарская-99 нави 2-гуруҳга мансуб эканлиги аниқланган.

Умумий оксил миқдори таҳлил қилинганда назорат сифатида етиштирилган буғдойнинг Краснодар-99 навида 12,45% ни, Сардор, Тихон, ГулДУ ва Одиссей навларида бу кўрсаткич 13-14 фоизгача бўлиб, буғдойдан юқори, Дўстлик ва Фарход навларида мос равишда 12,96 ва 12,88 % ни ташкил этиб, буғдой нави билан деярли бир хил, қолган навларда эса буғдойдан паст 10,96 дан 11,25% гачани ташкил этганлиги аниқланган.

#### 4-жадвал

#### Навларнинг дон сифат кўрсаткичлари

Т/р	Нав номи	Хўл клейко- вина	Курук клейко- вина	ИДК кўрсат- кичи	Дон натура- си	Умумий оксил миқдори, %
1	Краснодар-99	27,8±2,3	13,8±1,6	74,9±4,7	868	12,45
2	Сардор	17,8±3,4	7,2±0,9	81,6±3,3	868	13,85
3	Сват	17,2±2,6	5,5±0,9	82,5±3,9	798	11,18
4	Сергей	15,2±2,7	6,6±1,4	71,6±3,9	830	10,9
5	Тихон	21,1±3,5	8,6±1,4	85,2±2,6	825	13,35
6	Тўйимли	15,4±2,8	4,2±1,2	61,7±4,8	688	13
7	ГулДУ	18,4±1	6,1±1	94,4±2,2	820	14,06
8	Одиссей	15,4±3,5	4,9±0,6	83,3±3,7	865	11,25
9	Праг сереб- ристый	16,4±2,3	4,4±0,9	70,4±3,9	758	13,05
10	Дўстлик	17,4±1,8	5,6±0,9	74,5±4,1	848	12,96
11	Фарход	20,8±1,4	9,4±1,1	81,3±1,4	825	12,88
12	Валентин	10,5±2	4,3±0,9	62,6±4,7	728	10,96

Дон таркибидаги оксил миқдори, унинг фракцион таркиби, алмашмайдиган аминокислоталарнинг мавжудлиги, клейковина миқдори ва сифати оксилнинг озукавий қиймати ва дон сифатининг муҳим технологик мезонидир. Тадқиқотларда ўрганилган тритикале навларининг дони таркибидаги 20 та аминокислота миқдори буғдойнинг Краснодарская-99

навига солиштирган ҳолда таҳлил қилинган (4 жадвал).

Ўрганилган тритикале навларида умумий аминокислоталар миқдори 46,9 мг/г ни ташкил этиб, энг юқори кўрсаткич цистеин (0,40мг/г) ва глутамин кислотаси (0,35 мг/г) да энг кам миқдор эса метионин ва серин аминокислоталари мос равишда (0,08 ва 0,07) кузатилган. Аминокислоталар миқдори бўйича навлар орасида ҳам катта тафовут кузатилиб, биргина цистеин аминокислотаси 0,95 мг/г (Сват навида) дан 0,10 мг/г (Дўстлик навида) гача ўзгарувчанлик аниқланган. Умумий аминокислоталар миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич 5,73 дан 2,54 мг/г га бўлиб, бу кўрсаткич бўйича ҳам юқори кўрсаткич Сват тритикале навида ва энг кам кўрсаткич Дўстлик навида кузатилган. Навлар орасида ҳар бир аминокислота миқдори бўйича ҳам фарқлар кузатилиб, бунда буғдойнинг Краснодарская-99 нави глутамин кислотаси, цистеин аминокислоталарига бой эканлиги, тритикаленинг Сардор, Сват ва Тихон навларида глутамин кислотаси, цистеин, глутамин кислотаси ва аспарагин кислотасига, Сергей навида энг юқори кўрсаткич аспарин кислотаси 0,62 мг/г, ҳамда глутамин кислотаси, цистеин, глутамин кислотаси, ГулДУ нави биргина аспарагин кислотасига, Праг серебристый нави аспарагин кислотаси, глутамин кислотаси, глицин, аспарагин, глутамин кислотаси ва нисбатан аланин аминокислоталарига бой эканлиги аниқланган.

Шўрланган тупроқ муҳитида етиштирилган тритикаленинг турли навларида аминокислоталар таркиби бўйича скрининг ўтказилган. Олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, тритикале навлари орасида аминокислоталар таркиби бўйича катта фарқ мавжуд бўлиши билан бирга, унинг таркибидаги аминокислоталар миқдори, айниқса алмашилмайдиган аминокислоталар юмшоқ буғдойга нисбатан юқори эканлиги аниқланган. Бу аминокислоталар ичида треонин буғдойда ва тритикаленинг барча навларда деярли бир хил миқдорда эканлиги кузатилган. Энг катта тафовут лейцин ва изолейцин аминокислоталарида учраган. Муҳим аминокислоталардан бири бўлган лизин эса ўрганилган навлардан Тихон, Дўстлик, Фарход ва Валентин навларида кам, бошқа навларда деярли бир хил 0,14 дан 0,18 мг/г миқдорида эканлиги аниқланган (5-жадвал). Ушбу натижалардан хулоса қилиниб, ўртача шўрланган ҳудудларда буғдой ўрнига тритикале ўсимлигини етиштириш, ҳайвонлар озиқаси учун етиштирилаётган буғдойдан кўра яхшироқ эканлиги ва бунда кўпроқ ҳосилдор ва аминокислоталарга бой бўлган Сват ва Сергей навларини экиш тавсия этилган.

Тритикале навлари донидан олинган ундан қолипчи нон ёпилиб унинг технологик сифат кўрсаткичлари ўрганилган. Ёпилган ноннинг технологик сифатини таҳлил қилишдан олдин 16-20 соатга совитиб қўйилган. Сўнгра ноннинг ташқи кўриниши, нон мағзининг ҳолати ва нон мағзининг ғоваклиги каби органолептик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Тритикале уни асосан кондитер маҳсулотларини (кекс, печенье, вафли) ишлаб чиқаришда таркибий қисм бўлиб хизмат қилади. Нон ёпиш учун тритикале навларининг кўпчилиги

## Ўрганилган тригикале навларининг аминокислота таркиби (мг/г)

Аминокислоталар	Краснодарская-99	Сардор	Сваг	Сергей	Тихон	Туйимли	ГулДУ	Одиссей	Прагсереб.	Дустлик	Фарход	Валентин-90	Ўртача
Аспартаг к-а	0,30	0,38	0,46	0,62	0,50	0,42	0,52	0,30	0,50	0,33	0,41	0,43	0,44
Глютамат к-а	0,21	0,43	0,49	0,45	0,46	0,32	0,01	0,31	0,56	0,29	0,43	0,32	0,37
Сериян	0,05	0,07	0,11	0,07	0,08	0,11	0,02	0,10	0,13	0,07	0,06	0,06	0,08
Глицин	0,22	0,34	0,29	0,24	0,30	0,32	0,02	0,25	0,50	0,24	0,34	0,24	0,28
Аспарагин	0,22	0,34	0,29	0,24	0,30	0,32	0,02	0,25	0,50	0,25	0,34	0,24	0,28
Глутамин	0,47	0,54	0,46	0,54	0,40	0,22	0,19	0,15	0,45	0,14	0,18	0,60	0,35
Цистеин	0,59	0,84	0,95	0,59	0,51	0,14	0,35	0,15	0,13	0,10	0,16	0,48	0,40
Аргинин	0,14	0,22	0,16	0,13	0,19	0,18	0,40	0,16	0,21	0,12	0,22	0,11	0,19
Аланин	0,19	0,25	0,31	0,31	0,25	0,25	0,12	0,21	0,31	0,14	0,30	0,28	0,25
Пролин	0,11	0,18	0,21	0,15	0,14	0,18	0,05	0,15	0,27	0,12	0,14	0,17	0,16
Тирозин	0,05	0,10	0,12	0,13	0,06	0,11	0,11	0,11	0,13	0,04	0,04	0,11	0,10
Алмашилмайдиган аминокислоталар													
Треонин	0,23	0,24	0,23	0,28	0,23	0,27	0,24	0,27	0,26	0,28	0,22	0,22	0,25
Валин	0,07	0,12	0,14	0,15	0,08	0,14	0,12	0,13	0,21	0,07	0,08	0,12	0,12
Метионин	0,02	0,07	0,08	0,11	0,02	0,08	0,03	0,12	0,13	0,02	0,03	0,08	0,07
Изолейцин	0,09	0,21	0,36	0,22	0,05	0,19	0,22	0,10	0,17	0,04	0,06	0,18	0,16
Лейцин	0,12	0,18	0,34	0,21	0,07	0,18	0,27	0,10	0,17	0,06	0,09	0,20	0,17
Гистидин	0,06	0,11	0,25	0,27	0,03	0,23	0,19	0,17	0,20	0,03	0,04	0,10	0,15
Триптофан	0,07	0,16	0,19	0,28	0,09	0,24	0,15	0,15	0,29	0,07	0,07	0,20	0,17
Фенилаланин	0,05	0,12	0,14	0,18	0,14	0,21	0,15	0,17	0,16	0,08	0,04	0,18	0,14
Лизин	0,06	0,15	0,15	0,16	0,06	0,21	0,14	0,13	0,18	0,05	0,07	0,06	0,12
Умумий	3,32	5,05	5,73	5,33	3,96	4,32	3,32	3,48	5,46	2,54	3,32	4,38	3,32
Ўртача	0,17	0,25	0,29	0,27	0,20	0,22	0,17	0,17	0,27	0,13	0,17	0,22	0,21

яроқсиз ҳисобланади, чунки кучсиз клейковинага эга, аммо улар буғдой ва бошқа бошоқли ўсимликлар уни билан қоришмасида фаол ишлатилади.

Нон ёпишда тритикале ва буғдой уни қоришмаси уч хил нисбатда (100% тритикале уни, 50/50% тритикале-буғдой уни ва 20/80% тритикале-буғдой уни) олинган. Назорат сифатида олинган кузги юмшоқ буғдойнинг Краснодар-99 навидан тайёрланган қолипчи нон билан солиштирма таққосланган.



**2-расм. Тритикале навларидан ёпилган нонларнинг умумий кўриниши.**

Ноннинг ташқи кўринишини ўрганишда унинг шакли, нон сиртининг тузилиши ва нон сирти ранги каби белгилари бўйича баҳоланган. 100% тритикале унидан тайёрланган нонларнинг шакли қиёсий таҳлил қилинганда Краснодар-99, Тихон, Сергей, Фарход, Сардор, Одиссей, Валентин, Тўйимли, ГулДУ навларининг нон шакли тўғри ва Сват, Праг серебристый, Дўстлик навларининг нон шакли қийшиқ бўлганлиги аниқланган. Нон мағзининг ҳолати, ранги ва эластиклиги, ғоваклиги каби кўрсаткичлар бўйича таққосланган.

50/50% тритикале унидан тайёрланган нонларнинг шакли қиёсланганда Краснодар-99, Тихон, Сергей, Фарход, Сардор, Одиссей, Валентин, Тўйимли, ГулДУ, Сват, Праг серебристый навларининг нон шакли тўғри ва Дўстлик навининг нон шакли қийшиқ бўлганлиги аниқланган. Тритикале навларидан ёпилган нонларнинг таъми буғдой унидан тайёрланган нонга яқин таъмга эга эканлиги ва нон тайёрлашда Сардор, Сват ва Тихон навларининг 20/80% тритикале-буғдой унидан қўшилиб нон ёпиш мумкин эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Хоразм вилоятида тритикале навларининг дон сифат кўрсаткичлари ҳамда микдорий белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлил

қилинган (5-жадвал). Таҳлил натижалари асосида дон сифатини белгиловчи ҳўл клейковина кўрсаткичи ўрганилган бошқа миқдор ва сифат белгилари билан солиштирилганда ўртача даражадаги ижобий корреляция ҳўл ва қуруқ клейковина ўртасида ( $r=0,92$ ), қуруқ клейковина ва дон натураси ( $r=0,57$ ), ҳўл клейковина ва дон натураси ( $r=0,53$ ), ҳўл клейковина ва 1000 та дон вазни ( $r=0,41$ ), ҳўл клейковина ва ИДК кўрсаткичи ( $r=0,41$ ), ҳўл клейковина ва оқсил миқдори ( $r=0,41$ ), ҳўл клейковина ва 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сони ўртасида ( $r=0,36$ ) мавжуд бўлган. Оқсил миқдори ва ИДК кўрсаткичи ўртасида ( $r=0,43$ ), ИДК кўрсаткичи ва дон натураси ўртасида ( $r=0,67$ ), алмашинадиган ва алмашинмайдиган аминокислоталар ўртасида ( $r=0,82$ ), алмашинадиган аминокислоталар ва ҳосилдорлик ўртасида ( $r=0,58$ ) боғлиқлик бўлганлиги қайд қилинган.

#### 6-жадвал

#### Тритикале навларининг дон сифати кўрсаткичларининг корреляция коэффиценти ( $r$ ) кўрсаткичлари

R	ИДК кўрсаткичи	Ҳўл клейковина миқдори	Қуруқ клейковина миқдори	Оқсил миқдори, (%)	Дон натураси	Алмашинадиган	Алмашинмайдиган
Ҳўл клейковина миқдори	0.41						
Қуруқ клейковина миқдори	0.27	0.92					
Оқсил миқдори, (%)	0.43	0.41	0.19				
Дон натураси	0.67	0.53	0.57	0.11			
Алмашинадиган	-0.20	-0.14	-0.08	-0.24	-0.17		
Алмашинмайдиган	-0.25	-0.44	-0.45	-0.32	-0.40	0.82	
Ҳосилдорлик	-0.11	0.01	0.21	-0.60	0.07	0.58	0.39

**Эслатма:**  $r \leq 0,33$  кучсиз корреляция,  $r \geq 0,33$  ва  $\leq 0,66$  ўртача корреляция,  $r \geq 0,66$  ва  $\leq 1$  кучли корреляция.

#### ХУЛОСАЛАР

«Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларига мослашган тритикале навларини танлаш ва уларнинг физиологик хусусиятларини ўрганиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ шароитига буғдойга нисбатан тритикале навлари чидамли эканлиги, лаборатория таҳлиллари бўйича тритикаленинг Сардор, ва Фарход навлари ўрта шўрланган шароитга, Тўйимли ва Праг Серебристый навлари NaCl 1,5% эритмасида илдиз тизими кучли ривожланиши аниқланди.

2. Нав намуналарида фенологик кўрсаткичлар униб чиқиш, туплаш, 1м<sup>2</sup> маҳсулдор поялар сони, ўсимлик бўйи ва бошоқ узунлиги бўйича Валентин, Сват ва Праг серебристый навлари юқори кўрсаткичга эга бўлди.

3. Умумий оксил миқдори бўйича тритикале навлари орасидаги ўзгарувчанлик 10,9-14,1% оралиғида бўлиб, энг юқори натижани ГулДУ (14,1%) ва Сардор (13,9%) навларида кузатилди. Клейковина миқдори бўйича кўрсаткич 10.6-21,1% оралиғида бўлиб, энг юқори натижа Тихон ва Фарход навларида аниқланди.

4. Дон таркибидаги аминокислота миқдори бўйича Праг серебристый, Сват, Сергей ва Тўйимли навларида энг юқори натижалар қайд этилди. Унга кўра Праг серебристый нави 7 та аминокислота (серин, глицин, аспарагин, пролин, тирозин, метионин ва триптофан) миқдори бўйича, Сват нави 4 та аминокислота (цистеин, аланин, изолейцин ва лейцин) миқдори бўйича, Сергей нави эса 4 та аминокислота (аспарагин кислотаси, треонин, валин и гистидин) миқдори бўйича, Тўйимли нави фенилаланин ва лизин миқдори бўйича энг юқори натижани кўрсатди.

5. Намуналарнинг дон ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич Сват навида 8376,1 кг/га, Сергей навида 7486,5 кг/га ва Валентин навида 7278,4 кг/га натижа кўрсатди. Маҳсулдорлик (биомасса) бўйича энг яхши натижаларни Тўйимли нави (11670,24 кг/га), Сват нави (11522,76 кг/га) ва Праг серебристый (10806,06 кг/га) навларида аниқланди.

6. Сергей, Одиссей ва ГулДУ навларида нонбоплик даражасини нисбатан юқори бўлиб, уларнинг донидан олинган ун буғдой уни билан 20/80, 50/50 нисбатда аралаштирилиб ва 100% тритикале унидан нон тайёрланганда нон сифати яъни нонларнинг ташқи кўриниши (шакли, нон сиртининг тузилиши, нон сирти ранги), нон мағзининг холати (ранги ва эластиклиги), нон мағзининг ғоваклиги ва таъми каби органолептик кўрсаткичлари юқорилиги аниқланди.

## ТАВСИЯЛАР

Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида тритикаленинг юқори ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик (биомасса) га эга, дон таркибида оксил миқдори юқори, кучли биомасса тўпловчи Праг серебристый, Сват, Сергей ва Тўйимли каби навларини етиштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И  
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

---

**ХОРЕЗМСКАЯ АКАДЕМИЯ МАЪМУНА**

**ДОСЧАНОВ ЖАЛОЛБЕК САПАРБОЕВИЧ**

**ОТБОР СОРТОВ ТРИТИКАЛЕ АДАПТИРОВАННЫХ К  
УСЛОВИЯМ СЕВЕРНЫХ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА И ИЗУЧЕНИЕ  
ИХ ФИЗИОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ**

**03.00.07 – Физиология и биохимия растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/В169.**

Диссертационная работа выполнена в Хорезмской академии Маъмуна.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещён на веб-странице Научного совета ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** **Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Каримжон Сафаров**  
доктор биологических наук, профессор

**Кушанов Фахриддин Ньматуллаевич**  
доктор биологических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.В.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений, (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-юз. Актовый зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (99871) 264-23-90, факс: (99871) 264-22-30. E-mail: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz), [genetics@uzsci.net](mailto:genetics@uzsci.net), [gen@inst.gov.uz](mailto:gen@inst.gov.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за № \_\_\_\_). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-юз. Тел.: (99871) 264-23-90, факс: (99871) 264-22-30.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**И.Дж. Курбанбаев**

Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
старший научный сотрудник

**Б.Х. Аманов**

Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
старший научный сотрудник

**С.М. Набиев**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
старший научный сотрудник

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Мировое производство тритикале превысило 20 миллионов тонн в год, половина из которых приходится на Германию и Польшу, еще одним крупным производителем является Франция. Несмотря на широкомасштабные технологические усилия, мука из тритикале широко не используется в пищевой промышленности, и большая часть тритикале используется в качестве корма для скота<sup>1</sup>. Тритикале была первой синтетической зерновой культурой, созданной руками человека на основе гибридизации пшеницы и ржи. В целях обеспечения продовольственной безопасности население особое значение имеет использование тритикале места пшеницы для корма в животноводстве и птицеводстве.

Сегодня во многих частях мира люди страдают от неправильного питания и недоедания. Широко распространен недостаток белков в рационе, особенно среди детей. При решении этих вопросов большое внимание уделяется внедрению дешевых и простых в выращивании сортов злаков с высоким содержанием белка, хорошим качеством и питательностью. Особенности формирования продуктивности анализируются на генотипическом и фенотипическом уровнях. Помимо крупности зерна тритикале, содержание белка в нем выше, чем в зернах пшеницы и ржи, а крахмала меньше. Тот факт, что тритикале превосходит пшеницу по питательной ценности и рожь по хлебопекарности, требует дальнейших исследований в этой области.

Сегодня в республике пшеница засеяна более чем на 1300 тысяч гектаров, а урожай превысил 7 миллионов тонн. Этот урожай полностью удовлетворяет потребности населения в хлебе, часть которого идет на экспорт, а часть используется в качестве корма в птицеводстве. Но в последние годы увеличился ущерб от различных болезней ржавчины пшеницы, вредителей, таких как вредная черепашки и пшеница, и возрастает себестоимость выращивания зерна. Это, в свою очередь, дополнительно, требует внедрения других высокоурожайных зерновых культур, устойчивых к болезням и вредителям. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан<sup>2</sup> «... в целях модернизации и интенсивного развития сельского хозяйства» поставлены задачи по расширению научно-исследовательских работ по созданию новых сортов зерновых культур в сельском хозяйстве, устойчивых к болезням и вредителям, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям среды, и их внедрению в производство. При выполнении этих задач важно провести практические исследования в северных регионах страны и выбрать зерновые культуры, пригодные для

---

<sup>1</sup> Reference Module in Food Science, 2016. <https://doi.org/10.1016/B978-0-08-100596-5.00019-6>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

засоленных почвенных условий, и изучить их физиологические свойства по приспособляемости.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-42437 от 18 марта 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию и поддержке животноводческой отрасли», в Указе № УК-5708 от 17 апреля 2019 года «О мерах по совершенствованию системы государственного управления в области сельского хозяйства», в Указе № УП-5742 от 17 июня 2019 года «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

